

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАШБАЕВ БОБИР ЎРАЗБОЙ ЎҒЛИ

БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ ВА УНИ ҚАРЗЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ташбаев Бобир Ўразбой ўғли

Бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмини
такомиллаштириш 3

Ташбаев Бобир Ўразбой ўғли

Совершенствование бюджетного дефицита и механизма его
долгового финансирования..... 23

Tashbayev Bobir Urazboy o`g`li

Improving the budget deficit and its debt financing mechanism..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАШБАЕВ БОБИР ЎРАЗБОЙ ЎҒЛИ

БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ ВА УНИ ҚАРЗЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1706 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карлибаева Рая Хажабоевна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошмурадова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Пулатов Дилшод Хакбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И. Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-71; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И. Каримов кўчаси, 49. Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-28-71; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Глобал молия тизимида хос фундаментал муаммолар жаҳон иқтисодиётининг молиявий-иқтисодий хавфсизлиги оқилона олиб бориладиган давлат қарз сиёсатига боғлиқлигини тасдиқламоқда. XXI аснинг дастлабки чорагида аксарият тараққий этган мамлакатлар молия тизимида олиб борилган монетаризм докторинасига асосланган либераллаштириш ва фискал консерватизм сиёсати «Қарзга асосланган иқтисодиёт» шаклланиши ва барқарор иқтисодий ривожланишга давлат қарзларининг салбий таъсири кучайишига олиб келди. Хусусан, «2021 йилда глобал масштабдаги қарздорликнинг номинал қиймати 281 трлн. АҚШ долларидан ортган. Жаҳон ЯИМдаги қарзлар улуши 355 %ни ташкил қилди. Бундай қарздорлик асосан АҚШ ва Хитой давлатлари фаол қарз сиёсатига тўғри келиши прогноз қилинган»¹. Бу эса, давлат қарз сиёсатини тўғри олиб бориш, бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳонда давлат молияси тизимида кузатилаётган сурункали бюджет тақчиллиги ва унинг фаол қарзли молиялаштириш сиёсати, уларнинг макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишга таъсири борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда давлат молияси тизимида давлат қарзларининг иқтисодий табиатига оид бир қатор илмий концепция ва тадқиқотлар устида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бу борада давлат молияси тизимидаги «девальвацион қарз қопқони» концепцияси, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шарти сифатида «Актив бюджет тақчиллигини қарзли молиялаштириш» қоидаси давлат қарзларини бошқаришнинг макрофискал ва макромонетар кўрсаткичлари ўзаро таъсирчанлигига асосланган замонавий концепциялари ишлаб чиқилган. Қарз сиёсати мамлакатдаги бюджет тақчиллиги ёки ижтимоий муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилган камбағалликка қарши курашиш билан бирга иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг «Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» деб номланган учинчи устувор йўналишидаги 21-мақсадда «Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш» ва «Давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш» белгиланган². Юқоридаги стратегик мақсаддан ҳам кўриниб турибдики, давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқаришда макрофискал кўрсаткичлар тизими элементи сифатида уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш ва чегаравий мезонларини белгилаш

¹ <http://global-finances.ru/mirovoy-dolg-2021/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони, 28.01.2022 й. ПФ-60-сон.

истикболда давлат молияси барқарорлигининг кафолати сифатида намоён бўлади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сон «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги ҳузурида давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича «Кафолат» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат қарзлари ва уни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назардан бошқаришнинг илмий-назарий асослари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, А.Смит, Д.Рикардо, Леруа Болье, Ж. Кейнс, Г.Алфред, Б.Фринке, Р.Джесси, Б.Алехин, А.Бабич, Л.Павлова, Л.Брагинская, Ю.Вавилов, Н.Бржеский, Л.Ушвицкийнинг ишларида ёритиб берилган³.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Т.Маликов, Ш.Тошматов, О.Камолов, С.Худойқулов, Х.Қурбонов, Х.Ҳақимов, Ш.Жалилов, Ж.Атаниязов, С.Элмирзаев, Қ.Чинқулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁴.

³ Alfred Greiner, Bettina Fincke Public Debt, Sustainability and Economic Growth Theory and Empirics. Springer International Publishing Switzerland 2015.- p.267.; David N. H. Public finance. A contemporary Application of theory to policy. 10 edition. South-Western Cengage Learning, 5191, Natorp Boulevard Mason, OH 45040 USA; Рассел, Джесси. Государственный долг США / Джесси Рассел. – М.: VSD, 2012. – 226 с.; Алехин Б.И. Государственный долг. Пособие для студентов академии бюджета и казначейства.- М., 2007 г.; Бабич, А.М. Государственные и муниципальные финансы / А.М. Бабич, Л.Н. Павлова. – М.: Юнити-Дана, 2011. – 687 с.; Брагинская Л.С. «Государственный долг: анализ системы управления и оценка ее эффективности».- М.: Книга по Требованию, 2014. - 430 с.; Бржеский, Н.К. Государственные долги России / Н.К. Бржеский. – М.: Книга по Требованию, 2011. - 354 с. Вавилов Ю.Я. Государственный долг/ Ю.Я. Вавилов. – М.: Перспектива, 2016. - 101 с. Государственный и муниципальный долг Учеб. пособие / Под ред. Л.И. Ушвицкого. – М.: Финансы и статистика, 2014.- с.197

⁴ Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. – Toshkent: Noshir, 2011. - 712 б. Тошматов Ш.А. Управление государственным внешним долгом / Тошматов Ш.А., Нурматов Б.Э., Хамрохужаев Н.Я., Юсупов К.А. – Ташкент: Чулпан, 2015. - 144 с. Камолов О.С. ва бошқалар. Давлат қарзларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2018. - 259 б. Курбонов Х.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: LESSON PRESS, 2019. - 228 б. Жалилов Ш. Ёқилги-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизимини ислох қилишнинг замонавий йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017 йил, Атаниязов Ж. Мактаб таълими соҳасида ўрта муддатли натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2-сон, март-апрель, 2015 йил, Элмирзаев С. Корпоратив молиявий муносабатларда солиқларни режалаштириш масалалари. “Иқтисод ва молия” 2018 й. 6-сон, 37-42-б. Чинқулов Қ. Ўзбекистонда давлат харидлари

Мазкур мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамай, айнан бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмини такомиллаштириш масалалари «Ҳаракатлар стратегияси» ва «Тараққиёт стратегияси» даврларида янада чуқурроқ ҳамда комплекс ва тизимли ўрганишни тақозо этмоқда. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертациянинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ҳамда услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

давлат молияси тизимида давлат қарзларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, мақсади ва вазифаларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштиришни бошқариш тамойиллари ва концептуал асосларини ёритиб бериш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш;

макроиқтисодий тартибга солиш тизимида давлат қарзларининг фискал сиёсат инструментларидан бири сифатидаги хусусиятларини асослаш;

бюджет дефицити ва қарзли молиялаштиришни бошқариш самарадорлигининг кўрсаткичлар тизими ва функционал элементлари комплекс таҳлилин асослаш;

давлат бюджети дефицити ва уни қарзли молиялаштириш тизимининг амалдаги механизмини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

давлатнинг ташқи қарз сиёсатини макроиқтисодий барқарорлик мезонлари нуқтаи назардан оптимал бошқариш йўллари бўйича таклифлар тизимини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бюджет дефицитини қарзли молиялаштириш механизми олинган.

Тадқиқотнинг предметини бюджет дефицитини қарзли молиялаштириш жараёнида вужудга келувчи молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг назарий ва эмпирик усулларида кенг фойдаланилган. Хусусан, илмий абстракциялаш, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион

таҳлил ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат қарзларини бошқаришнинг «девальвацион-қарз қопқони» концепцияси бўйича «Қарз валютаси» мезони асосида давлат қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан хавфсиз даражасини 50 %дан оширмасликнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

миллий жамғармаларни актив бюджет тақчиллигини молиялаштиришга жалб қилиш мақсадида давлат қарзи портфелини ички қарзлар салмоғини ошириш ҳисобига оптималлаштириш таклиф қилинган;

йирик ва стратегик лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилинган давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлашда молиявий захиралар сифатида махсус «Кафолат» жамғармасини шакллантириш зарурлиги илмий асосланган;

давлат қарзлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари учун ўзлаштирилувчи ташқи қарзларни лимитлаш орқали қарз юқини пасайтириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат қарз сиёсати орқали мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзларини 50 % даражасида лимитлаш бўйича амалий тавсиялар берилган;

суверен давлат қарзларини бошқаришда замонавий молиявий инструментларнинг кенг спектридан фойдаланиш орқали қарз портфелини қайта таркиблаштириш зарурлиги асослаб берилган;

қарзлар бўйича давлат молиявий барқарорлиги ва мамлакат суверен кредит рейтингининг мўътадил даражасини таъминлашда махсус «Кафолат» жамғармасининг ўрни ва аҳамияти амалий жиҳатдан асосланган;

давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатларда ташқи қарзлар бўйича харажатлар юқори салмоққа эгаллиги, қарз юқини лимитлашда ташқи қарзлар мультипликатив самарага эга эканлиги амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлили жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий-методологик, илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига фойдаланишга тавсия этилганлиги ҳамда бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган таклифлардан келгусидаги махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни давлат ички ва ташқи қарзларини бошқариш тизими самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Ишнинг илмий ва услубий натижаларидан олий таълим муассасаларида «Молия», «Давлат молиясини бошқариш», «Давлат қарзларини бошқариш», «Бюджет-солиқ сиёсати» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

давлат қарзларини бошқаришнинг «девальвацион-қарз қопқони» концепцияси бўйича «Қарз валютаси» мезони асосида давлат қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан хавфсиз даражасини 50 %дан оширмаслик таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 апрелдаги 07/32-04-03-37/605-сон маълумотномаси). Натижада, максимал даражада солиқ юқини камайтиришни таъминлаш, мамлакатнинг суверен тўлов қобилияти ва валюта рискига нисбатан давлат қарзларининг мўтадил даражасини сақлаб туриш мақсадида, давлат томонидан олинадиган ташқи қарзларнинг ЯИМга нисбатан 50 %дан ортмаган чегаравий миқдорини белгилашга эришилган;

миллий жамғармаларни актив бюджет тақчиллигини молиялаштиришга жалб қилиш мақсадида давлат қарзи портфелини ички қарзлар салмоғини ошириш ҳисобига оптималлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 апрелдаги 07/32-04-03-37/605-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ёрдамида давлатнинг суверен молиявий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, унинг ички ва ташқи манбаларини 50/50 нисбатини таъминлаш ҳамда ушбу диверсификация сиёсатида халқаро амалиётда кенг қўлланилувчи Своп конверсион операцияларидан фойдаланиш ташқи қарзларини жалб қилиш даражасини нисбатан жиловлаш орқали келгусида миллий валюта барқарорлигига ташқи қарзларнинг салбий таъсирини нейтраллаштиришга эришилган;

йирик ва стратегик лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилинган давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлашда молиявий захиралар сифатида махсус «Кафолат» жамғармасини шакллантириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида «Кафолат» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 апрелдаги 07/32-04-03-37/605-сон

маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида давлат қарзларининг ЯИМга нисбатан улушининг ҳозирги ҳолатида мамлакатнинг суверен кредит рейтингини мустаҳкамлаш, йиллик қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича жорий мажбуриятларнинг мақсадли ва манзилли марказлашган манбаини шакллантириш орқали тўлов интизомини таъминлаш воситасида мамлакатнинг тўлов қобилияти мустаҳкамланади. Натижада, Ўзбекистон учун S&P Халқаро рейтинг агентлиги томонидан баҳоланган «Барқарор» суверен кредит рейтингини ўрта муддатли истиқболда сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш имкониятларига эришилган;

давлат қарзлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари учун ўзлаштириладиган ташқи қарзларни лимитлаш орқали қарз юкини пасайтириш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 апрелдаги 07/32-04-03-37/605-сон маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида йирик тармоқларни ривожлантириш орқали давлат бюджети даромадларини мустаҳкамлаш мақсадида ташқи қарз сиёсати ёрдамида жалб қилинган ресурслар мамлакат иқтисодиётининг базавий тармоқларини инвестиция харажатларини молиялаштиришга йўналтириш ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномалар ҳамда манбаи давлат бюджетидан бевосита қайтариладиган суверен ташқи қарзларни ўзлаштириш лимитлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза шаклида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 4 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, шунингдек тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат бюджети тақчиллигини қарзли молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида давлат қарзи вужудга келишининг назарий асослари, унинг шакллари ва уни бошқаришнинг илмий-услубий асослари тадқиқ этилган.

Бюджет тақчиллигининг солиқ юкини ошириш ёки қарзли молиялаштириш сингари муқобил вариантларида асосий масалага миллий иқтисодиёт учун муҳим бўлган истеъмолга таъсир нуқтаи назаридан турли ёндашувлар мавжуд.

Классик иқтисодий назариядан олдинги даврнинг иккита асосий мактаби ҳисобланувчи меркантилизм ва физиократлар иқтисодий сиёсат ва давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш нуқтаи назаридан қарама-қарши позицияда бўлиб, меркантилистлар интервенцион позицияда, физиократлар эса иқтисодий либерализмни қўллаб-қувватлаш позициясида бўлганлар. Хусусан, меркантилистлар: Т.Манн, У.Стаффорд, А.Сера, А.Монкретъен ва бошқалар давлат қарз сиёсати – давлат даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланишини эътироф этиб ўтадилар. Уларнинг фикрича, давлат иқтисодиётни тартибга солишда замонавий бюджет инструментлари ҳисобланувчи солиқлар, давлат харажатлари, давлат қарзларидан фаол фойдаланиши керак.

Физиократлар (Ф.Кенэ, А.Р.Тюрго, В.Мирабо, Г.Летрон, П.Мерсье де Ла Ривьер) эса давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қатъий чеклаш тарафдорлари сифатида қарз инструментлари орқали давлат аралашуви даромадлар тенгсизлигининг асосий омили ҳисобланишини таъкидлайдилар⁵.

Юқоридаги илмий тадқиқотлар натижасидаги тўпланган фикрларни умумлаштирган ҳолда тарихий ретроспективада давлат қарзларига оид асосий иқтисодий мактабларнинг қарашларини қуйидаги жадвалда тизимлаштириш мумкин.

Демак, юқоридаги илмий қарашларга асосланган ҳолда, давлат қарзлари билан боғлиқ молиявий муносабатларнинг фундаментал асосини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Давлат қарзларининг классик шакли давлатнинг иқтисодий агент сифатида ҳамма бирдек манфаатдор бўлиши лозим бўлган ижтимоий (бойликлар) неъматларни тақдим этиш билан боғлиқ харажатларни молиявий таъминлаш натижасидаги дефицитни монетизациялаш усули ҳисобланади.

Солиқ юкининг пасайиши ҳисобига шахсий тасарруфдаги капиталнинг фактик кўпайиши иллюзиясига асосланган истеъмол харажатлари ошиши инвестицияларнинг камайиши ва давлат эҳтиёжларини солиқлар ҳисобига молиялаштиришга қиёсланганда асосий капиталнинг камайишига олиб келади. Шундай қилиб, давлатнинг қарз сиёсати индивидлар шахсий тасарруфидаги даромадлар камайишига нейтрал бўлган солиқ юкини

⁵Physiocrat. Encyclopaedia Britannica 2005; Kaplan S. Bread, Politics and Political Economy in the reign of Louis XV. Hague, 1976, Vol. I, pp. 113-148.

вақтлараро трансформациялаш орқали уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш нуқтаи назардан хулқ-атвор келтириб чиқарилишига таъсир этиши мумкин. Бу давлат қарзлари иқтисодий табиатининг классик асосини ташкил қилади.

1-жадвал

Давлат қарзларига оид назарий ёндашувлар таҳлили⁶

Иқтисодий мактаблар	Ижобий	Салбий	Концепциялар
Меркантилизм (Т.Манн, У.Стаффорд, А.Сера, А.Монкретьен ва б.)	Қарз – давлат даромадларининг муҳим манбаи		«Функционал молия», Интервенцион
Физиократлар (Ф.Кенэ, А.Р.Тюрго, В.Мирабо, Г.Летрон, П.Мерсье де Ла Ривьер)		«Табиат инъоми», «табиий тартиб», давлат иқтисодиётга аралашмаслиги керак	«Соғлом молия», Иқтисодий либерализмни қўллаб-қувватлаш
Классиклар (А.Смит, Д.Риккардо, Д.Юм ва Ж-Б.Сей)		Қарз келажак авлод учун қатъий юк, самарасиз истеъмол учун олинган қарз	«Соғлом молия», Пессимистик йўналишда бўлиб, кредитнинг натуралистик назариясига асосланади
Марксизм (К. Маркс)	Давлат кредитнинг «ишлаб чиқариш кучи»ни тан олади		«Функционал молия», оптимистик йўналишда бўлиб, унинг негизини кредитнинг капитал яратувчи назарияси (Capital theory of credit) ташкил этади
Немис янги тарихий мактаби намоёндалари (А.Вагнер)	Иқтисодиётдаги циклик тебранишлар натижасидаги актив ва пассив бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаи		«Функционал молия», оптимистик йўналишда бўлиб, унинг негизини кредитнинг капитал яратувчи назарияси (Capital theory of credit) ташкил этади
Кейнс ва янги кейнсчилик назарияси (Дж Кейнс, Б Хансен)	Бюджет тақчиллиги ва қарз олиш – кризис даврида муҳим омил		«Функционал молия», Циклик баланслаштирилган бюджет ғояси
Монетаризм (М.Фридман, А.Берне, О.Файт)		Иқтисодиётни барқарорлаштиришга тўсқинлик қилувчи инструмент	«Соғлом молия», давлат қарзларини иқтисодий ўсишининг монетар жиҳатлари ташкил этади

Автоматик тарзда вақтнинг стационар моментида иқтисодий циклнинг жонланиш фазасида тўпланган бюджет дефицитини молиялаштириш манбаи ҳисобланувчи давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни қоплаш учун солиқлар $((1+r)\Delta B$ ёки $((1+r)D)$ оширилади. Натижада, навбатдаги давр учун баланслашган бюджет учун қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$T_{n+1} = G_{n+1} + (G_n - T_n)(1+r) \quad (1)$$

Демак, солиқ тушумларининг келгуси қиймати давлат харажатларининг келгуси қийматига эквивалент бўлади:

$$T_n + \frac{T_{n+1}}{1+r} = G_n + \frac{G_{n+1}}{1+r} \quad (2)$$

Демак, бу ифодалардан хулоса қилиш мумкинки, дефицитни молиялаштиришдаги солиқ юқини ошириш ёки қарз олиш сингари муқобил вариантлар вақтлараро танловга боғлиқ. Мазкур ҳолатда дефицитни

⁶Жадвал муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

солиқларни ошириш ҳисобига эмас, балки қарз ҳисобига қоплаш келгусида солиқ тушумларини кўпайтириш эвазига қопланиб, бу ҳолат иқтисодий адабиётларда давлатнинг бюджет чегаравий имконияти (ингл. *Budget constraint*) деб номланади. Бундай ҳолат том маънода «Амалдаги солиқ ставкалари кўтарилишининг олдини олиш учун қарзга эҳтиёж келажакдаги авлодга қарз юки сифатида шаклланишига олиб келади»⁷- деган мантиқий қоидани ифодалайди. 2-формула асосидаги давлатнинг бюджет чегаравий имкониятлари, жорий ва келгуси даврдаги давлат харажатларининг жорий қиймати жорий ва келгуси даврдаги солиқ тушумларининг жорий қийматига эквиваленти бўйича тенгдир.

Истеъмолчилар хулқ-атвори назариясига мувофиқ истеъмолчиларнинг бюджет чегаравий имконияти уларнинг шахсий тасарруфидаги даромадларга функционал боғлиқ бўлиб, уни вақтлараро танлов бўйича қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

$$C_n + \frac{C_{n+1}}{1+r} = (Y_n - T_n) + \frac{Y_{n+1}-T_{n+1}}{1+r} \quad (3)$$

Муаллиф бу формула асосидаги қонуниятни дефицитли бюджетни қабул қилиш ва уни қарзли молиялаштириш жараёни асосида исботлашга ҳаракат қилади. 1-формулага мувофиқ, агар n -даврда давлат бюджетида тақчиллик вужудга келса ва бу тақчиллик истеъмолга нисбатан нейтрал қарз инструментларини жойлаштириш ҳисобига молиялаштирилса (d), кейинги даврдаги бюджетга мобилизация қилинадиган солиқ тушумлари $\Delta T_{n+1} = (1+r)d$ миқдорга оширилишини талаб қилади. Демак, юқоридаги (3) формулага мувофиқ қуйидагича ўзгариш киритилиши мумкин:

$$C_n + \frac{C_{n+1}}{1+r} = (Y_n - T_n) + \Delta d + \frac{(Y_{n+1}-T_{n+1})-(1+r)\Delta d}{1+r} \quad (4)$$

Бунда, $(Y_n - T_n) + \Delta d$ вақтнинг дастлабки стационар даврида давлат харажатлари ортиши ва солиқ юки қисқариши билан боғлиқ амаллар натижасида солиқ тўловчиларнинг шахсий тасарруфидаги даромадлар ортиши ифодаланади. Чунки бунда дискрецион фискал сиёсат натижасидаги дефицит Δd истеъмолга нисбатан нейтрал қарзлар ҳисобига молиялаштирилади.

Бундай қарзлар вақтнинг келгусидаги стационар даврида солиқ тўловчилар зиммасига тушиб, улар томонидан тўланиши ва унинг жорий қиймати бўйича математик ифода $\frac{(Y_{n+1}-T_{n+1})-(1+r)\Delta d}{1+r}$ га тенг бўлади.

5-формуланинг ўнг томонидан дисконт коэффициенти бўлиб ташланса, қуйидаги ифодага эга бўлиш мумкин:

$$C_n + \frac{C_{n+1}}{1+r} = (Y_n - T_n) + \Delta d + \frac{(Y_{n+1}-T_{n+1})}{1+r} - \Delta d = (Y_n - T_n) + \frac{Y_{n+1}-T_{n+1}}{1+r} \quad (5)$$


Демак, истеъмолчининг бюджет чегаравий имкониятлари ўзгармас ҳисобланиб, унинг истеъмол хулқ-атворида ўзгариш кузатилмайди.

⁷Barro, Robert J. 1974. Are government bonds net wealth? *Journal of Political Economy* 82(6): 1095-1117.

Диссертациянинг «Замонавий шароитда давлат бюджети тақчиллигини қарзли молиялаштириш амалиёти таҳлили» деб номланган иккинчи бобида давлат қарзини бошқаришнинг функционал элементлари, Ўзбекистонда давлат қарз сиёсати ва унинг самарадорлиги ҳамда давлат қарзларини бошқариш самарадорлиги таҳлил қилинган ва хулосалар асослаб берилган.

Давлат қарзини бошқариш давлат қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш ва жойлаштириш, давлат қарзига хизмат кўрсатиш, тўлаш ва қайта молиялаштириш, шунингдек, давлат қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирлар йиғиндисини англатади.

Давлат қарзларини бошқариш механизминини қуйидаги расм орқали кўриб чиқиш мумкин.



1-расм. Давлат қарзларини бошқариш тизими элементлари⁸

⁸Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

1-расмдан кўриш мумкинки, давлат қарзларини бошқариш комплекс элементлардан иборат яхлит тизимни акс эттиради. Унда бош мақсад мамлакатнинг ўрта ва узоқ истиқболдаги молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган оқилона қарз сиёсатини олиб бориш ҳисобланади. Бундай тадбирларни амалга оширишда давлат қарзларини самарали бошқариш тизимини босқичма-босқич ташкил қилишга боғлиқ. Бу жараёнда қарз олувчи мамлакатда унинг фаолияти билан боғлиқ мамлакатнинг иқтисодий йўналишларидан бирини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Республикада давлат қарзлари ўсиш тенденциясига эга. Буни қуйидаги 2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва глобал миқёсда давлат қарзларининг ЯИМга нисбатан солиштирма таҳлили (йил якунига)⁹

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ўзбекистон давлат қарзларини ЯИМга нисбатан улуши, %да, <i>N(Uzb)</i>	8,6	7,9	7,1	10,1	11,6	19,7	29,2	30,5	36,1
Жаҳон мамлакатлари давлат қарзларини ЯИМдаги улуши, %да, <i>N(W)</i>	79,6	78,3	78,6	79,7	82,7	81,3	81,5	83,3	96,4
Ривожланган мамлакатлар (G8) давлат қарзларини ЯИМдаги улуши, %да, <i>N(G8)</i>	106,7	105,2	104,6	104,2	106,7	104,5	103,9	105,2	122,4
Тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар давлат қарзларини ЯИМдаги улуши, %да, <i>N(EC)</i>	37	38,2	40,3	43,7	46,5	48,1	49,7	53,2	62

2-жадвалга кўра, таҳлил қилинаётган йилларда давлат қарзининг ЯИМга нисбатан тебраниш амплитудаси минимум 7,1 % ва максимум 36,1 %ни ташкил қилмоқда. Паст кўрсаткич 2014 йилда қайд этилган бўлиб, кейинги йилларда изчил ўсиб бориш тенденциясига эга. Жаҳон мамлакатлари кўрсаткичларига солиштирилганда, Ўзбекистондаги қарз юқининг паст кўрсаткичи кузатилган. Хусусан, жаҳондаги ялпи глобал давлат суверен қарзлари жаҳон ЯИМга нисбатан энг паст кўрсаткич 2013 йилда 78,3 %ни, 2020 йилга келиб эса, 96,4 %ни, яъни энг юқори кўрсаткични ташкил қилиши кўзда тутилмоқда. Ялпи глобал давлат суверен қарзларининг бундай кўрсаткичи ва унинг ошиб боришига ривожланган мамлакатлардаги қарздорлик таъсир этган.

Хусусан, таҳлил қилинаётган даврда ривожланган (G8) мамлакатлардаги қарздорлик ЯИМга нисбатан солиштирилганда 100 %дан ортганлигини кузатиш мумкин. Таҳлил қилинаётган даврдаги энг паст кўрсаткич 2018


⁹ Ушбу жадвал маълумотлари: “Fiscal Monitor:Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic (Full Report to Follow in May 2020 // International Monetary Fund, April, 2020”, “GLOBAL FINANCIAL STABILITY OVERVIEW:Global Financial Stability Overview: Markets in the Time of COVID-19 //International Monetary Fund, April, 2020 ” ва “International Debt Statistics 2020 // 2020 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington DC 20433” йиллик нашрларида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

йилда (103,9 %) кузатилган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткичнинг миқдори 122,4 %ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Бу асосан 2020 йилдаги глобал пандемия натижасидаги иқтисодий ўсишнинг пасайиши, давлат харажатларининг ҳаддан зиёд ортиши билан боғлиқ муаммолар натижасида кузатилаётганини таъкидлаш керак.

Муаллифнинг фикрича, мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтларидан жалб қилинаётган кредитларнинг салмоғи инвестицион кредитларга тўғри келади. Бу ҳолат давлат ташқи қарз сиёсати истиқболда ЯИМ ҳажмининг ижобий юқори ошишини таъминловчи иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини реализация қилишнинг стратегик тавсифдаги молиявий манбаи вазифасини бажаради.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси¹⁰ (йил охирига)




Давлат қарзи 2018 йилда 9,9 млрд. доллар, 2022 йилга келиб эса 30,1 млрд. долларни ташкил қилган ҳолда, асосан жами қарзлар ташқи қарзларга тўғри келганлигини кузатиш мумкин. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи давлат қарзлари таркибида ташқи қарзлар асосий салмоқни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам, давлат қарзларини ўрта ва истиқболга мўлжалланган бошқариш тизимида ташқи қарзларни бошқариш тизимини

¹⁰ www.mf.uz- сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

такомиллаштириш стратегик аҳамият касб этувчи масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг «Давлат қарзларини бошқариш элементларини такомиллаштириш йўллари» номли учинчи бобида ташқи ва ички қарзлар конверсион операцияларининг илғор замонавий усуллари ҳамда улардан давлат қарзларини бошқариш миллий тизимида фойдаланиш йўллари ва Ўзбекистон Республикасида ташқи қарз олишнинг замонавий сиёсати контекстида ягона молиявий назорат ва мониторинг тизимини шакллантириш бўйича илмий хулосалар асосида таклифлар шакллантирилган.

Қуйидаги 2-расм маълумотларига кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига жами жалб қилинган ташқи қарзларнинг 3,7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги улуши давлатнинг фискал балансини таъминлаш, актив бюджет тақчиллигини молиялаштиришга йўналтирилган.



2-расм. Давлат ташқи қарзларининг иқтисодиёт тармоқлари кесимида тақсимланиши (01.01.2021 йил ҳолатига)

Ташқи қарзларни ўзлаштиришда реал сектор тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини модернизациялашга йўналтирилган йирик ва стратегик лойиҳаларни реализация қилиш устувор аҳамият касб этади. Биргина электроэнергетика (2,9 млрд. АҚШ доллари) ва ёқилғи-энергетика (2,7 млрд. АҚШ доллари) тизимидаги лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилинган кредитлар 5,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилмоқда.

«Девальвацион қарз копкини» рискинни минималлаштиришнинг энг зарур шартларидан бири давлат қарзлари портфелини ички ва ташқи қарзлар нисбатида қайта тизимлаштиришдир. Бундай конверсион операцияларга

эҳтиёж қуйидаги 4-жадвал маълумотларида акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи прогнози кўрсаткичларига мувофиқ 2021 йилдан бошлаб давлат қарзи жалб қилинмаганда қарзларни ўзлаштириш ва асосий қарз тўловларини ҳисобга олганда ЯИМга нисбатан давлат қарзининг улуши 2021 йил энг юқори кўрсаткични ташкил қилиб, 45,0 %га ошиши кутилган.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи прогнози¹¹ (2021 йилдан бошлаб давлат қарзи жалб қилинмаганда, 2021 йил 1 январь ҳолатидаги қарздорлик асосида) млн. долл.

Йиллар	Давлат ташқи қарзи (давлат кафолати билан бирга)				Давлат ички қарзи (давлат кафолати билан бирга)				Давлат қарзи (давлат кафолати билан бирга)		ЯИМ
	Ўзлаштириш	Асосий қарз тўловлари	Қолдиқ	ЯИМга нисбатан фонзда	Ўзлаштириш	Асосий қарз тўловлари	Қолдиқ	ЯИМга нисбатан фонзда	Қолдиқ	ЯИМга нисбатан фонзда	Млн. долл.
2019	6256,9	451,3	15686,9	27,2	2214,2	350,5	2117,1	3,7	17803,9	30,8	57726,5
2020	5735,4	656,5	21080,4	36,5	814,8	515,5	2227,7	3,9	23308,1	40,4	57707,2
2021	2724,8	1000,7	25657,3	41,0	794,5	522,2	2499,9	4,0	28157,2	45,0	62630,5
2022	2724,8	1104,3	27277,7	38,4	660,8	285,8	2874,9	4,1	30152,6	42,5	70975,6
